

(1384–1411)

(1405-1409)

Темурийлардан бўлган Мовароуннахр хукмдори. Амир Темурнинг набираси. Мироншоҳнинг ўгли. Сарой Мулкхоним (Бибихоним) тарбия килган. 15 ёшли Халил Султон Соҳибкироннинг Хиндистонга килган юришида (1399-1400) катнашиб жасорат кўрсатган. Куйи табакадан чиккан Шодимулкка уйланиши билан Амир Термурнинг газабига учраган, сўнг кечирилган. Соҳибкироннинг Хитойга килган юришида Халил Султон кўшиннинг ўнг каноти бошлиги этиб тайинланган. Амир Темурнинг васиятига мувофиқ Пирмухаммадни тахтга ўткизиш тарафдорлари кучли бўлса-да, бироқ 1405-йилнинг 18-мартда Самаркандни эгаллаб, ўзини Мовароуннахрнинг олий хукмдори деб эълон килган. У гарчи бобосидан колган хазиналар воситасида Соҳибкироннинг нуфузи аён ва киборларидан маълум кисмини ўз тарафига огдириб Мовароуннахр тахтини эгаллаб олган бўлса-да, аммо кўп вақт ўтмай у Амир Темурнинг садокатли амирлари, вилоят ноиблари ва шахзодаларнинг кучли норозилиги ва исёнига дуч келади. Биринчи бўлиб, Туркистон ҳамда Фаргонанинг ҳокими амир Худайдод билан Шайх Нуриддин Халил Султонга карши исён кўтардилар. Хатто унинг ўз укаси Мирзо Султон Хусайн Амударёнинг чап соҳили вилоятларида ўз ҳокимиятини ўрнатмок ниятида акасига карши бош кўтаради. Ўз навбатида Амир Темур тахтининг асосий валиаҳди Пирмухаммад Амударёдан кечиб ўтиб, Халил Султонга карши Насафга томон аскар тортади. Амир Худайдод Ўратепа ва Шохрухия шаҳарларини осонгина кўлга киритиб, Самарканд томонга аскар тортади. Шероз яқинида Зарафшон дарёси бўйида содир бўлган жангда Халил Султон кўшини мағлубиятга учрайди, ўзи эса асирга олинади. Халил Султон давлат хазинасини беҳуда сарфлаб, ҳокимиятни бошқаришда хотинининг сўзларига амал килган. Саройдаги катта мансабларга тасодифий кишилар тайинланган. Бу бошка темурийларнинг каттик норозилигига учраган. Хуросон хукмдори Шохрух катта кўшин билан Мовароуннахрга юриш килиб, Самаркандни эгаллаган. Шохрух билан тузилган шартнома (1409) натижасида Мовароуннахрдан воз кечган. Халил Султонга Рай берилган. Умрининг охиригача шу ерда яшаган. Халил Султон вафот этгач, Шодимулк ҳам ўзини ўлдирган.